

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларин курсатиш буйича

ШАРТНОМА № 32

7- Июль 2022-йил

Яккабог “Саховат” кексалар ва ногиронлиги булган шахслар учун интернат уйи
номидан Низом асосида фаолият юритувчи В.Арзикулов. (кейинги уринларда Буюртмачи деб
аталади) бир томондан ва **Октош Ширин Ноон** ЖК номидан Устав асосида фаолият
юритувчи рахба. Ш.Жураев. (кейинги уринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан
кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар түгрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси буйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида
курсатиб утилган хизматларни курсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тулаш
мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида курсатилган муддатдан бошлиб, у
тугагунига кадар хар куни Буюртмачини **Яккабог “Саховат” кексалар ва ногиронлиги**
булган шахслар учун интернат уйида яшовчиларга иссиқ овқат таёrlар беринш
(аутсорсинг) хизмати курсатиш хамла Узбекистон Республикасининг норматив-хукукий
хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган
холда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик
таъминлаш мажбуриятини, кейинги уринларда Хизматлар деб аталади, уз зиммасига олади.

1.3. Хизмат курсатиш муддати:

2022-йил “ 7 ” Июльдан 2022-йил “ 31 ” Декабрь 2022.йилгача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан
амалда курсатилган Хизматлар учун белгилангаи тартибда расмийлаштирилган хисоб-
фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада курсатилган банк хисоб-
ракамига пул маблаглари утказгандан сунг Хизматлар курсатилган деб хисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиши;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки киёмида техник жихатдан
жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириши;

2.1.3. Хизматлар таннархининг узгариши муносабати билан шартномага узгартириш
киритиш таклифи билан чикиши;

2.1.4. Курсатилган хизматлар учун уз вактида туловлар амалга оширилишини талаб килиш;

2.1.5. Курсатилган хизматлар натижасида фойда олиши;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб килиш;

2.1.7. Конун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан максадли хамда окилона
фойдаланишин, саклашн, носоз холга келганда уларни уз хисобидан таъмирлаши, шунингдек,
коммунал уз вактида ойма ой харажатларини коплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини курсатиша техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси хамда
санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига
етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига катъий риоя килиши;

2.2.5. Шартномани бекор килиш хакида буюртмачини икки ой олдии ёзмаравишда
огохлантириши, ушбу муддат тугагуиига кадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини
узлуксиз ташки лэгишни таъминлаши;

- 2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-байдида курсатилган муддатда ва
- 2.2.7. тулик хажмда курсатиши;
- 2.2.8. Хизматлар курсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида бепул тугрилаши;
- 2.2.9. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чикариш (хизмат курсатиш) хоидалири холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш буйича конуний талабини бажариши;
- 2.2.10. Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, иини) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (курикдан) утган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этини;
- 2.2.11. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклashi;
- 2.2.12. Хизмат курсатиш буйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.13. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни соз холда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.14. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килини-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни кабул килиб олиши;
- 2.2.15. Мазкур шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огохлантириши, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз курсатилишини таъминлаши;
- 2.2.16. Мазкур шартномага асосан Хизматларни курсатиш ишларига жалб этилган ходимларни укитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);
- 2.2.17. Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.
- 2.3. куйидаги хукукларга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чикарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни талаб килини;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор килиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишида огохдантириши, бунда курсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тулаш;
- 2.3.4. Конун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.
- 2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хакини тулаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошка моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.
- III. Хизматлар нархи ва узаро хисоб-китоблар тартиби**
- 3.1. Мазкур шартноманинг иловаснга мувофик хизматлар нархи 274805000.0 (Икки юз етминн турт миллион саккиз юз беш минг) сумни ташкил этади.
- 3.2. Аутсорсер томонидан курсатилган хизматлар учун узаро хисоб-китоблар бажарилган

ишиларнинг йигма далолатномасн ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида курсатилган хизматларминг амалдаги киймати буйича бир ойда комид бир марта амалга оширилади.

3.3. Курсатиладиги хизматларнинг амалдаги сони хакидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофик Аутсорсер билан биргалиқда хар ун кунда, туланиши лозим булган суммаси курсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишиларнинг йигма далолатномасн тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда курсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишилар далолатномасн ва хисоб-фактура олинган вактидан бошлиб. 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик булмагай микдорда туланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида курсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан кайта куриб чикилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини уз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати Утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулади, бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тулаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Узбекистан Республикасининг Фукаролик кодекси талабларида. «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конуни хамда Узбекистон Республикасининг бошка норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар буладилар.

4.4. Буюртмачига хар чоракда бир маротаба курсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоатларнинг холатии мониторинг утказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратини.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси худудида амалда булган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

V. Мунозарали вазиятларин хал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин булган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар Ургасида музокара утказиш ўюли билан хал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ургасида музокара утказиш ўюли билан хал этиб булмайдиган холатларда, Узбекистон Республикаси конунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-тамойили амалга оширилгандан сунг улар Узбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда судга куриб чикиш учун берилади.

VI. Форс-мажор холатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгид булмас куч, яъни табии оғатлар, табии ва техноген тусдаги фавкулодда холатлар ва алоҳидз давр оқибати хисебланса ва давлатнинг тегишли органларн томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар руй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи коидалар

7.1. Ушбу Шартномага хар кандай узгартериши ва кушимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари иштирокида Аутсорсинг томонидан

такдим этилган (пакетлар) имзолангандан сунг хаки кий хисобланади. Мазкур Шартноманин барча иловалари унинг ажралмас кисминн ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома буйича хукук ва мажбуриятларини бошқарма олди. Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил булиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси булади.

VIII. Шартноманинг амал қилини муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомидан ёки муддатидан олдин бекор килунгунга кадар амал килади..

8.2. Шартнома имзолаган кундан 7 Июль 2022.йилдан бошлаб 31 декабрь 2022 йилгача амалда булади.

IX Томонларнинг манзили ва банк реквизирлари.

«АУТСОРСЕР»

Октош Ширин Ноңи ХК

Манзил: Яккабог туман Октош МФЙ

Богзор кучка

Тел + 99897 954-03-63

х/р: 20208000100931533002

Банк номи: Яккабог Xалк Банки

МФО: 00691 СТИР: 305769953

«БҮЮРТМАЧИ»

Яккабог «Саховат» кексалар ва ногиронлиги булган шахелар учун иннернат уйи

Манзил: Яккабог шахри Чумич куча 12 уй

Тел./факс 58-24-443

ш/х 100021860102507101204344001

бюджетдан маблаг олувчи СТИР 200710986

ОКОНХ 91800

УзРес Молия вазирлиги Газначилиги

23402000300100001010

Банк номи Марказий банкнинг Тошкент шахар бош бошкармаси ХККМ МФО 00014

Газначилик СТИР. 201122919



Рахбар
МОҚТОШ (ХССИЙ КОРХОНА)
SHIRIN NONI

Ш. Жураев




M.Y.

В.Ш.Арзиуков



Рахбар
ОЗБЕКИСТОН КЕНГАШ ТАШКЕНТ ШАХСИЙ КОРХОНА
Юрист
Б. Ёкубов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OQTOSH SHIRIN NONI" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OOTOSH SHIRIN NONI" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (gavta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.09.2018

638560

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305769953

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Xususiy kerxena

Jyotishaan joti

Dashqadaryo viloyati, Yakkabog' tumani, Yakkabog', Oqtosh MFY Bog'zor ko'chasi.

Guyohmattie

**Yaklaşık 1000000000 TL
DEĞERİNDEKİ
YATIRIMLARI
YATIRIM YAPMAK İÇİN
DOLAT BANKASI
DEĞERLENDİRME
VE SATICI ALICI
MARKAZI**

for confirmation
by [signature]

www.orientaljewelry.com | 800-333-0555

